

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

420 Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–5052-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли, аввало ёшлар бандлигини ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш борасида меҳнат органларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ташкилий тузилмаси тизими 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 60 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказларининг намунавий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

* 1 — 5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаларининг ҳамда туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш марказлари ходимларининг чекланган сони 6-иловага* мувофиқ;

Меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда, вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий органлар ва тасарруф этиладиган ташкилотлар тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

янги иш ўринлари ташкил этган ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасига кирувчи шахсларни, аввало касб-хунар коллежларининг битирувчилари, имконияти чекланган шахслар, собиқ ҳарбий хизматчиларни ишга жойлаштирган иш берувчиларга нисбатан белгиланган тартибда ижтимоий рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий тузилмаларига бириктирилган бинолар, иншоотлар ва иморатларни белгиланган тартибда, сотиш ёки бузиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига қарор қабул қилишлари учун таклифлар киритиш, шунингдек, туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш марказларини жойлаштириш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан янги бинолар, иншоот ва иморатлар сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган, норматив-ҳуқуқий характерга эга қарорлари, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири лавозими бўйича «Микрокредитбанк» АТБнинг Кузатув кенгаши раиси ҳисобланади;

меҳнат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ҳисобот ойдан кейинги ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўзининг расмий сайтида ва марказий оммавий ахборот воситаларида меҳнат бозоридаги вазият ва бандлик ҳолати тўғрисида маълумотларни, шу жумладан иш қидириб меҳнат органларига мурожаат қилган ҳамда ишсизлик бўйича нафақа олаётган фуқаролар сони, яратилган иш ўринлари, рўйхатга олинган бўш

* 6-7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

(вакант) иш ўринлари ва иш берувчилар, инвесторлар ва аҳоли учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотларни чоп этади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати талабларига биноан бандликка рухсат бериш ва кўникмаларни баҳолаш тизими бўйича ўтказиладиган тест синовларида қатнашиш учун тўланадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиққа тортилмайди;

вазирликнинг номи ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг тасарруфидаги тузилмалари мулки ва автотранспорт воситалари бўйича ҳуқуқни белгилашга доир ҳужжатларни қайта расмийлаштириш белгиланган тўловларни ундирмасдан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вазирликнинг ҳайъат органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрсин, унга қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган Вазирликнинг асосий фаолият йўналишини танқидий кўриб чиқиш;

аҳоли бандлиги таъминланишининг ҳудудий ва тармоқли дастурларининг амалга оширилиши натижадорлигини, шунингдек, меҳнат бозорини бошқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш қисмида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш тўғрисидаги қабул қилинган ҳаракатлар стратегияси доирасида назарда тутилган чора-тадбирларни ҳар чоракда ва тизимли кўриб чиқиш;

бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиққан ҳолда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналаридан келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини бажариш юзасидан самарали назоратни таъминлайдиган ижро интизоми даражасини ошириш;

бандлик, меҳнат бозори, меҳнат муносабатлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалаларини жойларда муҳокама қилинишини, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр йиғилишлари ўтказилишини ташкил этиш;

қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида белгиланган, юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш юзасидан Вазирлик ва унинг таркибий тузилмалари раҳбар ходимларининг шахсий жавобгарлигини оширишни таъминлаган ҳолда меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қуйи

бошқарма органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли асосда тинг-ланилишини ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғарма-си маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар ҳисоб-лансин:

меҳнат бозорини барқарор ва баланслашган ҳолда ривожлантириш, аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдала-нишни таъминлаш бўйича мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбир-ларни амалга оширишни молиявий таъминлаш;

ишсизлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари, академик лицейлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, иш топишда қийинчиликларга учра-ётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қилаолмаётган шах-сларни ишга жойлаштириш ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳуж-жатларида белгиланган кафолатларни амалга ошириш;

ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолига, биринчи навбатда ёшларга, аёл-ларга ва ногиронларга касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ишсизлар-ни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича сифатли хизматлар кўрсатишни таш-киллаштириш бўйича харажатларни молиялаштириш, шунингдек, меҳнат бўйича органларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғарма-си маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган ягона ижтимоий тўловлардан ажратмалар;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат ҳуқуқ меҳнат инспекторлари ва давлат техник инспекторлари, шунингдек, меҳнат шароитлари давлат экспертизаси мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бузганлиги учун белгиланган тартибда солинадиган маъмурий ундирувлар суммаси;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирли-гининг ҳудудий тузилмаларига бириктирилган бинолар, иншоотлар ва имо-ратларни сотишдан тушган маблағлар, мулкни баҳолаш ва сотиш бўйича аниқ харажатлардан ташқари, тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Хусусий-лаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш дав-лат қўмитаси томонидан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига йўнал-тирилади;

фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошираётган нодавлат ташкилотлари хорижга ишга юборилган ҳар бир фуқа-ро учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белги-ланадиган ставка бўйича Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига маб-лағлар ўтказадилар;

таъсисчи томонидан белгиланадиган миқдорларда барча солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлатнинг мақсадли жам-ғармаларига тўловлар тўланганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Банд-лик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги давлат унитар кор-хоналарида қоладиган соф фойданинг бир қисми;

конун хужжатлари билан белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари бланкларини сотишдан олинган даромадлар;

Бандлик жамғармасининг бўш маблағларини тижорат банкларида ва бошқа молия тузилмаларида жойлаштиришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия ёрдамлари;

конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесга жалб этиш, томорқа ва деҳқон хўжаликларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари масъулиятини ошириш масалаларини кенг ва ҳолисона ёритиш «Маҳалла» телерадиоканалининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги телевидение ва радио орқали, жумладан, «прайм тайм» эфир вақтидан кенг фойдаланиш асосида аҳоли бандлиги масалалари бўйича тушунтириш ишларини фаол олиб бориш бўйича аниқ ва таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишни таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аҳоли бандлиги масалалари бўйича жойларда туркум сайёр телетасвирларни олиб бориш ва радиоэшиттиришлар тайёрлашни ташкиллаштиришда «Маҳалла» телерадиоканалига ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги республика туманлари ва шаҳарлари кесимида иш жойларини ташкил этишга давлат буюртмаларини шакллантиришда республиканинг меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларида янги иш жойларига бўлган талабни белгилашга алоҳида эътибор қаратсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари комплекс ривожлантириш ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш ва тасдиқлашда, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳар йили киритиладиган, республиканинг туманлари ва шаҳарлари кесимида иш жойларини яратишга бўлган давлат буюртмасидан келиб чиққан ҳолда устувор тартибда республиканинг меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни таъминласин.

9. Асосий таълим жараёнидан бўш вақтда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларида банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширадиган таянч касб-ҳунар коллежларининг рўйхати 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 8-илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда таянч касб-хунар коллежларида амалга оширилаётган, меҳнат бозори, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги даражаси ва истиқболларига мувофиқлиги талабларига жавоб бераолишини таъминлайдиган, банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув дастурлари мазмуни ва муддатларини тубдан қайта кўриб чиқсин.

10. Бандлик ва меҳнат муҳофазаси республика илмий марказига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини молиялаштиришни такомиллаштириш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида кўзда тутилган имтиёзлар татиқ этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги белгиланган тартибда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда ҳудудий Бандлик бош бошқармалари ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари тўғрисидаги янгиланган намунавий низомларни белгиланган тартибда тасдиқласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 15-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 февралдаги ПҚ–2498-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 24 май,
ПҚ–3001-сон